

“Қиз бола жамият тараққиётининг асосчиси”

Жорий йилнинг 28 май куни Ер ресурсларини бошқариш факультети 1 курс талаба қизлари ва институт психологи М. Мухамедова билан “Қизлар тарбияси – жамият кўзгуси” мавзуида давра сұхбати ва тренинг ташкил этилди. Давра сұхбатида соғлом турмуш тарзига амал қилиш, баҳтли бўлишнинг асосий омиллари ва олий таълим муассасасида қизларнинг кийиниш маданияти ҳақида сўз борди. Давра сұхбатида аёл кишишнинг гўзаллиги соғлом турмуш тарзига амал қилиб яшашига боғлиқлиги, ўзини соғлом ва гўзал ҳис этган инсонда эса албатта ҳаётдан қониқиши ҳисси пайдо бўлиши ва инсон ўзини баҳтли ҳис этиши, баҳтли инсон эса албатта кийиниш маданиятига ҳам аҳамият қаратиши лозимлиги таъкидланди. Ҳозирги вақтда кийиниш маданиятимизда бизнинг менталитетимизга хос бўлмаган модаларга амал қилиш хотин-қизларимиз ўртасида кўпайиб кетганини ҳақида сўз юритилди. Давра сұхбатида ҳар бир нарсада “олтин ўрталик”ни бузмаган ҳолатда ёндашиб мақсадга мувофиқлиги ҳақида сўз юритилди. Давра сұхбати давомида иштирокчилар руҳий барқарорликни мустаҳкамлашга хизмат қилувчи муҳим тавсияларни олишди.



Тадбирда факультет ёшлар билан ишлаш декан ўринбосари Ҳ Эшова, Ердан фойдаланиш кафедраси катта ўқитувчиси А. Муқимов, Ердан фойдаланиш кафедраси катта ўқитувчиси З. Ҳафизова ва Ёшлар билан ишлаш бўйича бўлим бошлиғи З. Ҳайдаровлар ҳам фаол иштирок этишди ва мавзуга оид ўз фикр ва мулоҳазалари билан ўртоқлашишди. Тадбир давомида иштирокчилардан ушбу сұхбатдан олган таассуротларини аниқлаштириш мақсадида мини сўровнома олинди. Тадбир қизғин тарзда якунланди.

**Институт психологи Муҳайё Мухамедова ахбороти
ТИҚҲММИ матбуот хизмти**